

Март 2018

1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN



2018-YIL 1-MART,
PAYSHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@uamail.uz

25
(16182)

YOSHILAR OVOZI

Biz ~ kelajak bunyodkorimiz!

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ТИОФАЛАРИ МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узлуксиз таълим ягона тизимининг муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, юқори малакали кадрларни, шу жумладан, ёш битирувчиларни жалб этиш, жамиятда давлат мактабгача таълим муассасалари педагогларининг нуфузини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари айрим тифофларининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб — мудирилари, тарбиячилари, методистлари, ўқитувчилари, дефектологлар, психологлар, мусиқа раҳбарлари ва тарбиячининг ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 30 фоизга;

б) 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:

тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячилари, олий маълумотли ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини, уларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларига тенглаштирган ҳолда 30 фоизга;

олий ёки ўрта махсус, касб-хунар педагогик маълумотли тарбиячининг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 20 фоизга; мактабгача таълим муассасалари мудирилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 10 фоизга табақалаштириб ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

(Давоми 2-саҳифада)

» FOTOFAKT

3 МИНГТА КИТОБ болаларга улашилди



Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев Андижон вилоятининг Қўронтёпа туманида бўлган эди. Ҳудуддаги ижтимоий ҳолат, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дарду ташвишлари, ўй-фикрлари ва муаммоларини ўрганди.

Мулоқотлар жараёнида аксарият ўқувчилар бадий адабиётлар етишмовчилигидан шикоят қилган. Давлат маслаҳатчиси ҳеч қанча вақт ўтмай масалани ҳал қилди. Қуни кеча Қўронтёпаниннг ҳар бир мактаби — жами

59 та таълим муассасасига зарур китоблар етказилди. Нақ 3 мингта-я! Бир қисми ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган ҳамда вақтинча ишсиз йигит-қизларнинг қўлига теги. Бунадай эътибордан ҳаммаси мамнун.

Равшана ҚҮРЯЗОВА

» ESHITDINGIZMI?

САМОЛЁТДА УЧИШ АРЗОНЛАШАДИ

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси барча ички рейсларга чегирмалар тақдим этмоқда. Акция фақат 18, 19, 20, 21 ва 22 март кунлари амал қилади. Шунга қўра, 2-12 яшар фарзанди бор ота-оналар авиачиптани 50 фоиз, сайёҳлик гуруҳлари, шунингдек, ўқувчи ва



талабалар 40 фоиз, бошқа йўловчилар эса,

30 фоиз арзониға сотиб олиши мумкин.

» ХАЛҚАРО ОРОМҒОҲ ОЧИЛАДИ



Ҳар йили ёз мавсумида Термиз шаҳрида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Халқаро оромгоҳи фаолият кўрсатади. Бу ҳақда ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинди. Дам олиш масканига 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар жалб қилинади.

Иттифоқ фаоллари иштирокида турли тадбирлар: фестивал, анжуман ва семинарлар ўтказилади. Болалар оромгоҳ атрофида жойлашган аттракционлар, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва спорт майдончаларидан фойдаланиши ҳам мумкин.

» ЯНГИ УЮШМА ТУЗИЛАДИ

Китоб тарқатувчилар уюшмасини ташкил этиш ташаббуси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан илгари сурилди. Республикада йилига 3 минг номдан зиёд қарийб 60 миллион нусхада китоб нашр этилади. Бироқ адабиётларни жойларга ҳамёнбop нархларда, тўғридан-тўғри етказиб бериш масаласи оқсамоқда. Янги уюшма



харидорлар ва китоб дўконлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаб,

соҳадаги муаммоларни бартафр этишда кўмаклашиши керак.

» TAASSUROT



ЙИГИТЛАР ЗУЛФИЯНИ ЎҚИМАЙДИ...МИ?

Куйлайман, куйламоқ кун сари мушкул,
Мен сенман, сен менинг борлигим буткул.
Елкамга юк ортиб, қўлимдан тутти,
Бу бахтни назмга тутмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Шеърларимни қўлтиқлаб, кўзга кўринган адблардан бирининг ҳузурига бордим. У киши кўзойнак остидан қораламаларга назар ташлар экан: “Йигитча, сўнги пайтларда кимнинг поэзиясини севиб ўқиясиз?” — деб сўради. Яқинда Зулфиянинг “Тонг билан шом аро” китобини мутлола қилганимни айтдим. — Нима?! Уғил болаларга ҳам Зулфия мукофоти бериляптими? — деди

адиб ҳайрон қолиб. Унинг сўроғига парво қилмасдан “Узинг ташна эдинг, ўзинг сув тутдинг, Қалбимдаги саҳром, дарёсан халқим...” мисраларини ёддан айта бошладим. Зулфия Исроилованиннг ижодига меҳрим баланд. Унинг шеърятини кўлаб ижодкорлар учун мактабдир. Севгимухаббат, табиат ва айрилиқ азоби тўғрисидаги ҳаётий мисралари майин шабада мисол қалбингизга сизиб киради. Шу боис “Баҳор

келди сени сўроқлаб”, “Олтин куз”, “Не балога эдинг мубтало”, “Қўрганмидинг кўзларимда ёш”, “Сенсиз” сингари асарлари ижод аҳли томонидан кўп ва ҳўп эътироф этилган. Одатда Зулфияхонимга нисбат берилганда “аёллар шоираси” деган ибора қўланилади. Лекин, назаримда, бу жуда тор қараш. Оналарча меҳр билан ёзилган “Фарзанд” шеърини бир эсланг. Унинг ҳар мисраси йигитларнинг ҳам

қалбини эритиб юборади-ку, ахир! О... фарзандим, кўзим нурисан, Менга сендай бўла олур ким? Сен ҳаётим, сени кўраркан, Дилда беҳад жўшди меҳрим. Ўсмир киефаси тасвирланган “Уғлим, сира бўлмайд уруш” номли ашъорида отасиз улғайиш фарзанд, айниқса, ўғил бола учун нақадар огир экани баён этилади. Шу аснода ўқувчида урушга нафрат уйғонади, Ватанга меҳри эса, аксинча, жўшади. Зулфияхоним фарзанд бахтини кўриш, дунёда тинчлик-тотувлик ҳўкм суриши жамийки оналарнинг орзуси эканини қўйма сатрларда ифода этади. Шу

йўналишда ёзилган “Ўқувчимга”, “Невара” шеърларини мутлола қилган сари ёшларнинг қалби ҳам улғайиб боради. Шоира нафақат ёрга, балки Ватанга садоқатни тараннум этган. Ўзбек миллатининг фазилатлари, буюк аждоғларимиз шавкатини юксак ифодалар орқали таърифлаган. У шу юртда туғилганига ҳаммийша шўхрона айтган. Зулфияхоним шеърятинда ҳаёт гўзаллиги, оила қувончи, миллат тақдирини, келажакка ишонч мавзулари доимо устувор эди. Ўз таъбири билан айтганда, у умр бўйи ҳаётни куйлаб ўтган ижодкор эди.

Санжар ЭШМУРОДОВ

» MEDIAFORUM

МАҲОРАТ ТОВАЛАНДИ

Нукус шаҳрида 1 Ёш журналистлар медиафоруми ташкил этилди. Унда барча туман ва шаҳарлардан сараланган 91 нафар ижодкор қатнашди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Республика Ёшлар маркази ҳудудий бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда сўз

олганлар журналистларнинг жамиятдаги ўрни хусусида тўхталиб, соҳа вакилларининг маҳоратини тоблашда форум алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Ёш журналистлар учун икки кун мобайнида маҳорат дарслари ўтилди. Улар гуруҳларга бўлиниб, матбуот, телевидение, радио ва интернет журналистикаси

соҳаларида фаолият юритаётган тажрибали мутахассислардан сабоқ олди. Хусусан, йигит-қизлар “Еркин Қорақалпоғистон” газетаси муҳбири Руслан Арзиевдан инфорацион материал тайёрлаш техникаси, бу борада жаҳондаги тенденциялар, истеъодли фотомўхбир Сағиндиқ Жаниевдан

эса, фоторепортаж тайёрлаш сирларини ўрганди. Лойиҳа якунида ҳар бир гуруҳ ўз тақдимотини ўтказди. Саҳна кўринишлари, газеталар ва мобиль теледастурлар ҳақамлар эътиборига ҳавола этилди. Фаол иштирокчиларга сертификат ва дипломлар топширилди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА

» ХАЛҚАРО ТУЗИЛМАГА КЎШИЛМОҚЧИМИЗ



Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида сайланиши мумкин. Бу ҳодиса 2021—2023 йиллар мобайнида рўй

бериши кутилмоқда. Ташаббус халқаро тузилманиннг Женевада ўтказилган 37-сессияси давомида юртимиз делегацияси томонидан илгари сурилди.

» НАВБАТ САРДОРЛАРГА

Март ойи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида “Сардорлар ва етакчилар кенгаши аъзоларининг тенгдошлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш ойлйги” деб эълон қилинди. Ойлик доирасида ҳар бир туман ва шаҳардаги

“Камалак” болалар ташкилоти раисларининг фаолияти танқидий кўриб чиқилади. Сардор ва етакчиларга яратилган шароитлар (хона, мебель жиҳозлари, компьютер жамланмаси ва бошқаларнинг мавжудлиги) обдон ўрганилади.



» “SCORPION” ЭКРАНГА ЧИҚАДИ

Ўзбекистонда шу номдаги тўлиқ метражли бадий фильм суратга олинмоқда. Триллер жанридаги кинокартина режиссёри — Муҳлиса Азизова. Оператор сифатида германиялик мутахассис Макс Тсуи жалб этилган. Янги медиаойиҳа Ёшлар иттифоқи, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ички



ишлар вазирлиги, Миллий телерадиокомпания ва Кинематографияни ривожлантириш маркази ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Суратга олиш ишлари Тошкент ва Бухоро шаҳарлари, шунингдек, Россия ва Марокашда олиб борилди.

Ўз ахборотимиз.

YUKSALISH

ИХТИРОЧИЛАРГА
65 МИЛЛИОН СЎМ НАҚД

Дилкушо НАВРЎЗОВА

Юртимиздаги таниқли тадбиркорлар навоийлик ёшларга муваффақиятга эришиш сирларини очди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган махсус маҳорат сабоқларини ўтиш учун "Dekos", "Deli", "Office Market" брендлари асосчилари ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Мамасидовлар, "Compass Consulting" компанияси раҳбари Улғубек Ҳожиаҳмедов ҳамда Халқаро бизнес ва технологиялар уюшмаси раиси Ҳикмат Абдурахмонов тақлиф этилди. Бизнес юритиш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бу мутахассисларнинг маҳорат дарсида нафақат тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшлар, балки ижтимоий жиҳатдан нофаол тенгқурларимиз ҳам қатнашди.

Тадбир аввалида "Ёшлар келажак бунёдкори!"



шиори остида кўргазма ташкил этилди. Унда ёш тадқиқотчилар, тадбиркор, хунарманд ҳамда фермерлар инновацион лойиҳа ва маҳсулотларини намойиш этди. Экспозиция билан пойтахтдан келган мақсадда ҳокимлик вилоят ҳоқими Қобил Турсунов ва Ёшлар иттифоқининг ҳудудий



қилинди. Ҳарқалай, новаторлар Навоийда оз эмас экан.

Масалан, Навоий давлат кончилиқ институти талабаси Шоҳиста Эргашева оддий сув ва кимёвий эритмадан фойдаланиб, электр энергиясини ҳосил қилган. Изланишларини давом эттириши учун унга 5 миллион сўм тақдим этилди. Пиллага суюлтирилган азот ёрдамида ишлов бериш технологияси муаллифи Эркин Шаропов эса, ўз ишланмасини Кармана туманидаги пиллачилик ширкатида синовдан ўтказишга бўлди. Яна бир ёш олим Бобур Туропов биоэлектрон мобиль лаборатория

иловаси учун 5 миллион, шунингдек, Фаррух Пулматов "Институт менежменти ва чат" электрон тизими учун 10 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди.

Тадбиркорлар билан эркин мулоқот довомида иштирокчилар кўплаб ғоя ва ташаббусларини илгари суриб, зарур тавсиялар олди. Барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Шундан сўнг ёшлар "Навоий" эркин иқтисодий зонасида жойлашган "Green line profil" қўшма корхонаси ҳамда Навоий конметаллургия комбинатига қарашли машинасозлик заводига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ МЕҲНАТИГА
ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

2. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаш, Чирокчи, Нишон, Яккабоғ ва Ҳузур туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизирик, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сарийосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар сақлангани учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки барабар пасайтирилсин.

3. 2018 йил 1 мартдан бошлаб давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбиячининг ёрдамчиси меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда ушбу қарорга мувофиқ давлат таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини ошириш буйича қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети

ҳисобига молиялаштирилиши таъминласин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин; давлат мактабгача таълим муассасаларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармасини шакллантиришга қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг қатъий равишда 15 фоизи миқдорда қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин, давлат мактабгача таълим муассасалари харажатлари сметаларида улар алоҳида сатрда ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 32-иловасига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва мактабгача таълим вазири А.В.Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 февраль

ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

ОДАМБОЙДАН ЮЗ ЎГИРМАДИЛАР



Кўшқўпир туманида истиқомат қилувчи Одамбой Исқандаров ёрлиғига бориб, қинғир йўлга қадам босди.

Чегарадан ноқонуний равишда тамаки маҳсулотларини олиб ўтгани боис, ҳибсга олинди. Суд қилинди. Жазо

муқаррар — 21 ёшда, аяни навқирон пайтида йигит қамалиши керак эди. Аммо давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати

Сардор БЕКЖОНОВ

Жазоланган мақсад инсонни тарбиялаш, тўғрликка бошлашдир. Инкор этмаймиз — жиноятчи қонун олдида жавоб бериши керак. Аммо хато қилганга ўзини ўнлашга имкон бериш, гуноҳидан кенши асл одамийлик эканини унутмаганимиз маъқул. Ўшанда самараси ҳам кўпроқ бўлади.

— Жуда афсусдан! Ваъда бераман, ота-онамининг юзини ерга қаратмайман, ҳалол меҳнат қилиб, ризқ-насиба топаман! — деди у кўз ёшларини тиёлмай. Ёшлар иттифоқи бу тенгдошимизни иш билан ҳам таъминлаган. Ҳозир Одамбой Исқандаров "Иzzат" фермер хўжалигида иш бошқарувчиси вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

— Жуда афсусдан! Ваъда бераман, ота-онамининг юзини ерга қаратмайман, ҳалол меҳнат қилиб, ризқ-насиба топаман! — деди у кўз ёшларини тиёлмай. Ёшлар иттифоқи бу тенгдошимизни иш билан ҳам таъминлаган. Ҳозир Одамбой Исқандаров "Иzzат" фермер хўжалигида иш бошқарувчиси вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

HUQUQIY TARG'IBOT

ЭЪТИБОРСИЗ
БЎЛМАСЛИК КЕРАК

Шоира ОХУНЖОНОВА

Тошкент вилоятдаги олий таълим муассасаларига "Ёшлар Ва қонун" лойиҳаси амалга оширилди.

Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган очик мулоқотларда тенгдошларимиз билимсизлиги тўғрисида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этаятгани қайд этилди. Таъкидланганидек, йигит-қизлар ҳуқуқ ва бурчларини яхши билиши, нафақат ўзи, балки жамият учун ҳам фойдалидир. — Ҳар бир инсон дахлдорлик ҳисси билан яшаши, атрофда руй бераётган воқеа-

ҳодисаларга бейътибор бўлмаслиги керак, — дейди вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи Музаффар Рашидов. — Ёшлар жиноят кўчасига юрмаслиги учун тарғибот тадбирларини кўпайтириш аяни муздао. Бугунги лойиҳамиз шуниси билан аҳамиятли бўлди. Мулоқотлар чоғида ёшларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

IJODIY TANLOV

ТАСАВВУР ПЛАКАТГА КЎЧДИ

Мирқарим МИРСОВУРОВ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида эълон қилинган "Буюк аجدодларимиз меросини ўрганиш ойлиғи" доирасида "Бунёдкор ёшлар иллатларга қарши!" шиори остидаги плакатлар танлови ўтказилди.

Лойиҳа Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Тадбир олдидан Ёшлар ижод саройининг кўргазма павильонига ижодий беллашувга тақдим этилган плакатлар намойиш этилди. Шундан сўнг ташиқотчиларга сўз



берилди. Ўзбекистон Бадий академияси раиси уринбосари Фарҳод Тошмуҳаммадов, Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори, профессор Ҳасан Аминов, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси раиси Ифандиёр Латипов, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бош мутахассиси Гулноза Жалилова танловда қатнашган барча ёшларнинг ишларини эътироф этиб, хайрихоҳлик учун

миннатдорлик билдирди. Ҳақамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Асолат Иброҳимова бош совринга лойиқ топилди. Фаррух Абдиев, Аминам Аллаева, Муниса Ёқубова, Рустам Амиров, Алёна Костенкова ва Ирина Панкратова ҳам голиблар сафидан ўрин олди. Уларнинг барчасига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат
мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим
тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан ҳозирда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан кенг қўллами ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини эътироф этишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мактабгача таълим тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимларнинг, мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбияга маъсул ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Масалан, 1993 йилга қадар мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячиси ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори бир хил бўлган бўлса, Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан ҳозирга қадар умумтаълим мактаблари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари бир неча марта оширилгани ҳолда мактабгача таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилганлиги ҳисобига уларнинг ўртача иш ҳақи миқдори умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчисига нисбатан 60 фоизни ташкил этади, холос. Бу эса, ўз навбатида, мактабгача таълим муассасала-

ри педагог ходимлари истеъдоди, касб маҳорати ва иш фаолиятида шахсий ҳиссаси намойён бўлмаслиги ҳамда муассасанин педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айнан мактабгача таълим соҳасида юқорида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган. Мазкур қарор билан мактабгача таълим муассасалари айрим ходимларининг иш ҳақи тўловларини қуйидаги миқдорларда 2 та босқичда ошириш кўзда тутилган:

1. 2018 йил 1 мартдан — мудар, тарбиячи, услубчи, ўқитувчи, дефектолог, психолог, мусика раҳбари ва тарбиячи ёрдамчиси 30 фоизга;

2. 2018 йил 1 сентябрдан: олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси, ўқитувчи, дефектолог, психолог 30 фоизга; олий ёки ўрта махсус, касб-хунар педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячи ёрдамчиси 20 фоизга; мактабгача таълим муассасаси мудири 10 фоизга.

Бунинг натижасида давлат мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган жами 93555 нафар ходим, шундан 4908 нафар мудар, 3924 нафар олий маълумотли тарбиячи, 39523 нафар ўрта махсус маълумотли тарбиячи, 673 нафар методист, 3765 нафар дефектолог, 1450 нафар психолог, 33259 нафар тарбиячи ёрдамчиси ва 7503 нафар мусика раҳбарининг иш

ҳақлари сезиларли даражада оширилди.

Ушбу қарорда 2018 йил сентябрь ойидан бошлаб олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдори умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорига тенглаштирилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қарор билан мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида ҳамда кишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш даражасини инobatта олиб, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаш, Чирокчи, Нишон, Яккабоғ ва Ҳузур туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизирик, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сарийосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида 2023 йилнинг 1 январигача ота-оналар бадал тўлови миқдорини 50 фоизга камайтириш назарда тутилган.

Ҳукуматимиз томонидан мактабгача таълим тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ҳамда кишлоқ ҳудудларда боғчалар учун ота-оналар тўловининг кескин пасайтирилиши мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш даражасини оширишга ҳамда мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати ва самардорлигини таъминлашга хизмат қилади.

» IQTIDORLI YOSHLAR — MAMLAKAT TAYANCHI

ЖАҲОН МИНБАРИГА КЎТАРИЛГАН ҚИЗ

Л. САТТОРОВА

Бугун инглиз тилини мукамал биламан, деган одам бировни ҳайрон қолдириши қийин. Аммо бухоролик Нигина Йўлдошева бизни барибир ҳайратлантирди. У ҳам хорижий тилларнинг билимдони. Инглизчани сув қилиб ичиб юборган, рус тилида бийрон сўзлашади. Энди эса, испан тилини ўрганмоқда.



Ўтган йили тенгдошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкilotи томонидан эълон қилинган “Кўп тиллар — бир олам” (“Many Languages One World”) номли иншолар танловида қатнашиб, голибликни қўлга киритганди.

— Ўзбекистон ёшлари номидан жаҳон минбарига

чиқишга мушарраф бўлганимдан фахрланаман, — дейди Н.Йўлдошева. — Болаликдан чет тилларни ўрганиш баробарида ўзга халқларнинг маданияти, урф-одатлари, яшаш тарзига жуда қизиқардим. Бу бўйича янги маълумотлар олиш учун интернет сайтларини мунтазам кузатиб

бораман. Халқаро танлов ҳақида ҳам шу тахлит хабар топдим. Инглиз филологияси йўналишида тахсил олаётганим боис, лойиҳа шартига кўра, иншонни бошқа тилда ёзишим керак эди. Рус тилини танладим. Ижодий ишимда миллатлараро тотувликни таъминлаш, глобал муаммо-

ларга ечим топишга доир қарашларимни баён этганман. 170 дан ортиқ давлатнинг 5 минг нафардан зиёд вакили юборган иншолар орасидан айнан меники энг сара деб топилганини билгач, қувонганимни кўрсангиз эди.

Нигина мукофот сифатида АҚШга сафар қилиб,

Бостондаги Northeastern университетиди малакасини оширди. Кўплаб дўстлар орттирди. Бундан ташқари, БМТнинг бош қароргоҳида ўтказилган Ёшлар форумида ҳам қатнашди. Дунёнинг турли бурчакларидан келган тенгдошларига мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, бунёдкорлик ишлари, ёшларга оид давлат сиёсатининг натижалари, фан, таълим, санъат, спорт ва бошқа соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди.

— Иштирокчилар мени тик оёқда туриб оқшилаганда, рости, ўзимни тутиб туролмай, йиғлаб юбордим, — деб ўша ҳаяжонли лаҳзаларни хотирлайди сўхбатдошимиз. — Ўзбекистон қизи эканимдан ғурурланаман. Энди тил ўрганишга иштиёқим янада ортган.

Нигина Йўлдошеванинг барча орзу-истаклари ижобат бўлишига, у бундан кейин ҳам катта марраларни забт этишига ишонамиз. Омад сизга ҳаммиса ёр бўлсин, азиз тенгдошим!

» OGOHLIK — DAVR TALABI

Зулуфизар МАВЛОҲОВА

Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида “Биз жиноятчиликка қаршимиз!” шиори остида тарғибот акцияси ташкил этилди. Лойиҳага Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши ҳамда вилоят прокуратураси бош-қош бўлди. Унда озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони қисман ўтаб, Президентимиз фармони асосида афв этилган бир гуруҳ ёшлар қатнашди.



— Билмай кўйилган қадам туфайли пешонамга “маҳбус” деган тамга босилди, —

дейди иштирокчилардан бири Санжар Дониёров (исм-шарифи ўзгаририлган). — Қамоққа тушганимда коллежни эндигина тамомлаётган эдим. Навқирон йилларим симтўр ортида ўтди. Афсуспамаман. Ҳайриятки, ғамхўр ҳукуматимиз бор — мени оилам, яқинларим бағрига қайтарди. Ёшлар иттифоқи ўқишни давом эттиришимга ёрдам берди. Яқинда ташкилот қошидаги “Жасорат” клубига аъзо бўлдим. Энди фақат Ватан

равнақи йулида жон куйдириб меҳнат қиламан.

Тадбир давомида кенг жамоатчилик вакиллари — ота-оналар, устоз-мураббийлар ҳам сўзга чиқиб, оилалар, маҳалла-кўй ва бутун жамиятдаги маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда ҳам-жиҳатлик зарурлигини таъкидлади.

Асосий қисм якунига етгач, ёшлар эътиборига вилоят мусиқали драма театри томонидан саҳналаштирилган спектакль ҳамда “Қувноқлар ва зукколар” клуби жамоаларининг чиқишлари ҳавола этилди. Шунингдек, мавзу юзасидан ўтказилган расмлар танлови голиблари аниқланиб, муносиб тақдирланди.

БУ ЙЎЛНИ СЕН ҲАМ ТАНЛА!

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Нукус давлат педагогика институтида ёшларни ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик каби иллатларнинг салбий таъсирларидан огоҳ этиш мақсадида “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!” тарғибот лойиҳаси амалга оширилди.

Давра суҳбати кўринишидаги табдирда филология факультети талабалари қатнашди. Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш маркази шифокори Раимберген Хўжабеков, 1-руҳий касалликлар диспансери психиатри Адилия Рабаева ҳамда психолог Хонзода Полвонниёзова йиғилганларга мавзу юзасидан тақдимот материаллари асосида атрофича маълумот берди. Махсус тайёрланган буклетлар тарқатилди. Шундан сўнг мутахассислар ёшларнинг саволларига жавоб берди.

— Бугунгидек табдирларнинг аҳамияти жуда юқори, деб биламан, — таъкидлайди ўзбек тили ва адабиёти йўналишида таълим олаётган Содиқжон Якубов. — Масалан, ОИТС ҳақида баъзи нарсаларни ҳалигача билмай юрган эканман. Шифокорлар батафсил тушунтириб берди. Зарарли иллатлар ҳаётимиз, тинчлигимиз кушандаси. Шунинг учун уларни яқинимизга йўлатмаслигимиз керак. Аминманки, тарғибот жараёнида олинган маълумотлар бу ишда ҳар биримизга асқатади.

ҚИШЛОҚДА ҲАМ ТАЛАНТЛАР БОР

Малик СИНДОРОВ

Юртимиз даҳолар макони. Шу азиз тупроқ не-не алломаю мутафаккирларга Ватан бўлмаган. Ўша улуг бобоқалонларнинг бугунги авлоди — биз, ёшларга ҳам юксак илму иқтидор бегона эмас. Шукрки, орамизда тиниб-тинчимас ўғилу қизлар бисёр. Айримлари билан Навоий вилоятида танишдик.



2 МИНГ ТОННА БАЛИҚ ВА ЭКЗОТИК ЎТОВАЛАР

“Mahliyo Karmana go'zali” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Музаффар Ҳайитбоев фаолиятини 2012 йилда бошлаган. Тошкент юридик коллежини тамомлагач, бу эпчил йигит пойтахтда қолиб кетмади. Балки қадрдон қишлоғига қайтиб келиб, катта ишни бошлади.

Дастлаб балиқчиликка қўл урди. Хато қилмаган экан — бир йилда ёш фермер эл дастурхонига нақ 2 минг тонна гўшт етказиб берди. Мана буни ҳақиқий натижа деса бўлади. Шу билан бир вақтда Музаффар бройлер товўқларини ҳам кўпайтириб, вилоят бозорларида савдосини йўлга қўйди.

Ҳозир тенгдошимизнинг иккита шахсий новвойхонаси бор. Бундан ташқари, йил ўн икки ой иссиқхо-

нада гул кўчатларини етиштиради. Аммо Музаффар фақат фермерлик билан чекланиб қолгани йўқ. Ички туризм ривожига ҳам бош қўшмоқда. Карманнинг баҳаво жойларида ўтовлар ўрнатиб, экзотик саёҳат ишчибозларига қишин-ёзин хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур йўналишда 30 нафар ходим доимий иш билан банд.


— Сайёҳларга янада қулайлик туғдириш мақсадида чўмишиш ҳавзасини ҳам қуряпман, — дейди М.Ҳайитбоев. — Ёзгача битса керак. Бир кунда 400-500 нафаргача меймонни қабул қилиш имкониятимиз бор. Асосий қисми хитойликлар.

Ҳа, меҳнатнинг тағи роҳат. Ҳалол ризқ топганга нима етсин. Отангизга раҳмат деймиз, Музаффар!

“АҚЛИ ВЕНТИЛЯТОР”

Хумоюн Ҳайдаров Кармана туманидаги 21-умумтаълим мактабининг 9-синфида ўқийди. Аммо чекида бир қанча инновациялар бор. Масалан, “ақли вентилятор” бизни ростманга қизиқтириб қўйди.

Мазкур мослама хонадаги ҳаво ҳароратини мўтадиллаштиришга хизмат қилади. Термометр 33 даража иссиқни кўрсатса, бас, вентилятор автоматик тарзда ишга тушади. Лекин бу ҳали ҳаммаси



эмас. Хонага газ иси тарқалди, дейлик, “Ақли вентилятор” сизни бу фалокатдан ҳам огоҳ этади. Унинг танасида “Эҳтиёт бўлинг — газ!”, деган ёзув пайдо бўлиб, дарҳол сигнал чалинади.

Хумоюн изланишда давом этмоқда. Навбатдаги ишланмаси — рельсада юрадиган кран қурувчилар учун айни мuddао.

Яқинда тенгдошимиз Тошкент политехника музейида ўтказилган “Ёш иxtирочи — 2018” танловига қатнашиб, “Энг яхши муҳандислик иши” номинациясида голиб бўлди. Соврин сифатида унга Андижон вилоятининг Асака туманидаги автомобиль заводида бир кунлик саёҳат қилиш имкони тақдим этилди.

» SPORT LIFE

МУТОЛААНИ КАНДА ҚИЛМАЙДИ

Улуғбек ОРИПОВ

Спорт мамлакатни дунёга танитади. Шу боис мазкур соҳани ривожлантиришга маҳкам бел боғлаганимиз. Натижада ёш чемпионларимиз сони кўпаймоқда. Улардан бири Ирода Қодирова эндигина ўн тўрт ёшга кирди. Шунга қарамай, у ўзбек жанг санъати бўйича қора белбоғ соҳиби ҳамда миллий терма жамоа аъзосидир.

Етти ёшдан спорт билан шугулланишни бошлаган тенгдошимиз тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги билан устози Баҳолир Назаров назарига тушди. Таниқли мурабий шоғирдига ўзбек жанг санъатининг барча сир-

асрорларини ўргатди. Тинимсиз машқлар бесамар кетмади. Ирода бир неча бор Ўзбекистон чемпионатида голибликни қўлга киритди. 2017 йилда эса, Корея Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг

юқори поғонасига кўтарилиди.

— Спортдаги муваффақиятимда отамнинг ҳам хиссаси бор — дейди Ирода. — Бошида ҳаммаси осон, оддийдек туюлганди. Бироқ мақсад сари йўл доим ҳам равон бўлмади. Шунда суягувчиларингиз борлиги асқатади. Устозларим, яқинларимнинг ишончи сабаб юқори марраларга эришдим.

Қаҳрамонимиз кундалик фаолиятида спорт билан чекланиб қолмаган. Машғулотлардан кейин китоб мутолаасини канда қилади. Уйдаги мўжаз кутубхонасида жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона намуналари жамланган. Кўриб беҳад қувондик. Ирода каби иш-жолати ва серғайрат йигит-қизлар сафи кенгайишига тилакдошимиз.

» BOLANING BEGONASI BO'LMAYDI

ТАШРИФ ТАШАББУСГА УНДАДИ

Баширжан БОТАБАЕВ



Республика ёшлар марказининг Қорақалпоғистон бўлими директори ва тўғарак раҳбарлари фаол ёшлар билан биргаликда Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйига ташриф буюрди.

Меҳмонлар тарбияланувчиларнинг яшаш, таълим олиши ва ҳунар ўрганиши учун яратилган шароитлар билан

яқиндан танишди. Айрим тўғараклардаги жараёни бевосита кузатиш имконига ҳам эга бўлди.

— Меҳрибонлик уйдаги ўғил-қизлар билан суҳбат мени янги лойиҳаларга илҳомлантирди, — дейди марказ директори Полат Махсетбаев. — Аввало, биздаги тўғарак раҳбарлари бу ерда фаолият кўрсатаётган ҳамкасблари билан тажриба алмашиб турса, ёмон бўлмасди, деган фикрдаман. Қолаверса, тарбияланувчилар орасида расм чизишга лаёқати борлари кўп экан. Яқин орада уларнинг ижодий ишлари кўргазмасини марказимизда ташкил этишни режалаштирдик.





Дилрабо НУРИДИНОВА

Баҳор. Қишнинг қаҳратонидан сўнг бутун оламни ўзининг муаттар бўйлари билан маст айлаган, дилларга қувонч, умид бахш этган гўзал фасл. Виқорли тоғлардан эриб кетаётган қорлар шарқироқ сойларнинг ўйноқи ва зилол сувларига айланиб, тириклик қўшигини қуйлаётгандек, гўё.

Қуёшнинг илк нурларидан жонланган майсалар секин бош кўтариб, қиру адирларни яшилликка буркамоқда. Бодом шохлари ўрик гуллари атрофида гир айланиб учаётган асаларилар нафис рақси ила ҳайрат дунёсини уйғотаётгандек.

Қушларнинг чуғур-чуғури, рангин капалаклар сайри, турналарнинг тизмақатор карвони курраи замин узра бахт уруғларини сочмоқда.

Она табиат уйғонди. Қайга боқманг, ҳар тарафда яшариш ва янгилашни кура-сиз. "Ҳаёт қуйи"нинг сирли оҳанги қалбларга шодлик улашмоқда. Фасллар келин-

чаги инсонларга кўтаринки кайфият, янги орзу-умидлар бағишламоқда.

Бугун байрам. Табиат уйқудан уйғонган кун. Нафис ва гўзал либосга ўранган борлиққа қараб кўзинг тўймайди, уни маҳз этмоққа тил ожиз. Майин шаббоданинг муаттар бўйлари дилимизга ҳуш ёқади. Шоир ёзганидек:

Тоғу қирдан ҳам қочар уйқу баҳор айёмида, Қўлга олғай жилғалар чолғу баҳор айёмида. Тўпланиб қушлар дарраҳт шохиди қилгач ёр-ёр, Гунчалар лълин очар кулғу баҳор айёмида.

» KO'KLAM NAFASI

БОБОРАВШАН

Эгнингдаги пальто оғирлик қила бошлайди. Бошингга телпак кийиб олганингдан афсусланасан. Тарновда оқаётган қор сувидан кафтларингни тўлдириб, тўйиб-тўйиб ичгинг келади.

Соғинг



Неча кундан буён бешинчи қаватда осилиб турган сумалак оёқларинг тагида чил-чил бўлаётир. Тайғаниб кетмаслик учун эҳтиёткорона қадам босасан. Қишки кийимлар дўкони пештоқидаги "50 фоиз чегирма" ёзувини кўриб, беихтиёр ичкарига қирасан. Дўкони уч бора айланиб, нарх-навои ҳам сўрамай қайтиб чиқасан. Кирганингда ажабланиб қа-

раган сотувчи эриб битаётган қорни эслатувчи ҳорғин нигоҳлари билан сени кузатиб кўяди.

Йўлнинг ярмига келганда ёмғир аралаш қор ёға бошлайди. Шунда кўлларинг совқотаётганини сезасан. Пальтонинг ёқаси билан кўксингни шамолдан тўсишга уринасан. Ва эртага шарф билан қўлқоп кийишни ният қиласан.

Тонгда эса димоғингга янги унجان майсанинг ҳиди урилади. Биласанки, онанг сумалакка ҳозирлик кўра бошлаган. Аллақайқадан қалдирғочларнинг жиғир-виғир овози эшитилмапти. Зум ўтмай, уларнинг бир жуфти айвон пештоқиға қўниб турибди. Ўз-ўзидан кайфиятинг кўтарилди. Шу тобда зулмат қишда ўтган тўқсон кунлик умринг давомида зил тўпроқни елкаси билан ёриб чиққан майсадек ҳар кунингда баҳорни соғиниб, ўзинг сезмаган ҳолда унга талпиниб яшаганингни ҳис этасан.

Қишнинг ёлғондан қовоқ уйғанига қарамасдан, пальтосиз ишга қатнай бошлаганингда уч кун бўлмай бодом бир парча оқ булутга айланади. Тавба, қачон куртақлаб гуллашга улғурди экан, деб ўйлайсан. Унинг эртасига онанг пиширган сумалакдан ўзинг ҳам, кўнлинг ҳам тўяди. Биласанки, аллақачон баҳор келиб бўлган.

Мен учун кўклам ҳар доим мана шундай бошланади. Эртага баҳор келади, деган уй-фикр менга вокзалга бориб фасллар келинчагини кутиб ол, дегандай эшитилади. Рўҳиятимизда баҳорга эҳтиёж сезилмас экан, унинг келишига ишонгимиз келмайди. Бу туйғу эса, қузда ҳазонрез барглarning жимгина нола чекаётганини эшитаётганингда ҳам, совуқ урган кўлларинг ачишиб қишнинг қалин қорларини кураётганингда ҳам сени тарк этмаганини, балки ўтган баҳорнинг сўнги дамидан то шу кунгача сен билан мангу ҳамроҳ эканини ҳис қилган сониянган бошланади...

"Қадриятим — қимматим" ижодий ишлар танлови

Ўлкамизга баҳор келди. Фасллар келинчаги табиатга яна ҳукмрон. Теварак-атроф гўзалликка бурканган.

Азиз ёшлар, ушбу ажиб дамда сизни янги танловда иштирок этишга чорлаймиз!

"Қадриятим — бойлигим" ижодий ишлар танлови орқали сиз ўзингиз истиқомат қилаётган ҳудуд (маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман ёки овулда баҳор фасли, деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қўт-барака, ободлик ва Наврўзи оламни нишонлаш билан боғлиқ азалий урф-одатлар, анъана ҳамда қадриятлар ҳақида ҳикоя қилиб беришингиз мумкин.

Материаллар кўпи билан бир қоғоз ҳажмда (12 шрифт, 1,5 интервалда) бўлиши талаб қилинади. Ижодий ишларингизни қуйидаги электрон манзиллардан бирига юборинг:

yoshlarovozi@umail.uz
yoshlar_ovoziuz

Энг мазмундор ва оригинал ғояга эга ҳикоялар таҳририят томонидан сараланиб, роппа-роса 40 кун — 2018 йилнинг 10 апрелига қадар газетамизда чоп этиб борилади.

Унутманг, ғолибни ажойиб совға — тарихий шаҳарларимизнинг бирига икки кишилик бепул саёҳат кутмоқда.

» YOSHLIK ILHOMI

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Соғинган ризқ

— Ризқим бу ерларда эмас экан, она! Йигит боши омон бўлса, дўппи топилади. Насибан қаерларда сочилган бўлса, уша ерда кўним топаман-да. Фотиҳа беринг, чет элга кетай.

— Бу нима деганинг, ўғайм. Яратган ҳар кимнинг ризқини ўз Ватанида сочиб қўйибди. Насибанг узга юртларда эмас. Фақат бироз сабр қил, ҳаракатингни сусайтирма...

— Э, қачонгача шу аҳволда юрман! Кетаман! Бу ерда топган бир сўминини у ерларда ўн сўм қилиб топаман. Дуо қилинг!

Она ноилож кўлини дуога очди:

— Қайда бўлсанг ҳам бошинг тошдан бўлсин, болам.

Ўғил кетди. Ризқини ўзга эларда топди. Жуфтини ҳам учратди, уша ерлардан турмуш курди. Фарзанлари чет элга туғилди. Насибаси бутун бўлиб, давлатга эришди.

Аммо... ҳаловат топа олмади. Ўшанда онасидан бир оғиз хотир-жамлик, саодат тиламаган экан. Пул топи-ю, бахт тополмади. Изидан кўзлари жавдираб қолган онаси ҳамон хаёидан кетмайди. Беҳаловат тунлар эса, унга азоб бергани-берган...

Ниҳоят қарор қилди: — Онамнинг олдиға кетаман! Ватанимни соғиндим.

"Ризқини излаётган боламнинг кўнгли бузилмасин, унга билдирманг", деб у дунёга рихлат қилган онанинг рўҳи уни кузатиб турарди...

Аҳамбек АЛИМБЕКОВ

МЕҲРИБОН

— Бир бориб бойбойни кўриб келмоқчи эдим, — виқор-ла деди супермаркетда бозорлик қилиб юрган бойвачча тасодифан кўриб қолган танишиға. Пўрим машина Қариялар уйи олаиға келиб тўхтади.

ҚАДРСИЗЛИК

— Мен сени телбаларча севаман, — зорланди йигит. — Аҳмоқларнинг севгиси керакмас, — кибрланди қиз.

» BUGUNNING GAPI

"ГРИПП" бўлган терминаллар

У.ОДИЛОВ

Шаҳарда яшасангиз қишлоқдан келадиган меҳмонларнинг қадами узилмайди. Мени ҳам онда-сонда мактабдош, қариндош дўстларим йўқлаб туради. Бир куни ишхонадан чиқиб кетаётсам, қўл телефоним жиринглади. Синфдошим Шокирнинг дағал, аммо самимий овози эшитилди:

— Эсонмисан? Шаҳарда яхши ишга жойлашибсан, — деб эшитдик. Биз сени табриклагани келгандик, қаердасан?

Севиниб кетдим. Икки ҳафтадан бери уйда бир хил манзара: тўрт девор, китоб жавони, компьютер столи. Ошналарим билан анчадан бери хурсандчилик қилиб ўтирмаганим.

Меҳмонлар келгач, улбу олгани уйимиз бикинидаги кичкина дўконга кирдик. Камтарона бозорлик қилдик. Сотувчи болаға пластик карточкамни узатар эканман, у айбдор қиёфада бошини қимирлатди:

— Уэр, терминалимизнинг сим-картаси ишламай турганда...

Ёнимда нақд пул камроқ эди. Ноқулай аҳволга тушдим. Шокир қизариб кетганимни пайқайди-да,

чўнтагидан бир даста пул чиқарди:

— Ие дўстинам, шу ҳам муаммоми? Энди буюёғиға ўзинг паловхонтўрани бир сайратворасан...

Уша куни негадир таом ҳам татимади. Дўстларимнинг олдида хижолат эдим...

Эртаси куни ишхонамизнинг ёнгинасида очилган ошхонаға кирдим. Нарсаларни олиб бўлгач, кассаға бориб пластик карточкамни узатдим.

— Ака, уэр, терминалимиз бузилиб қолган, — деди у.

Фигоним фалакка чиқди. Охири ёрилдим: — Нега ишлаб турган нарсани атайлаб ишламайди дейсиз? Ахир, шундай шинам ошхонада фақат шу қурилмаға эйтиборсизлик бўлса, фалат-ку?

"Ака"нинг қалин қошла-

ри чимирилиб, пешонаси тиришди. Ичидан тошиб келадиган газабни аранг босдию, боягидан кескинроқ оҳангда гапирди:

— Биринчидан, мен уста эмасман. Ундан кейин терминал бир қурилма бўлса, унинг ичида нима дарди борлигини мен қаердан билай?

Хуллас, енгилдим. Тарвузим қўлтигимдан тушиб, ортага қайтдим.

Бу йил қиш қуруқ келди. Бирда ҳаво қизиб кетади, бирда изғирин. Бундан одамларға ҳам жабр: қаёққа қарама грип.

Ишхонамизда кўпчилик шу даргага йўлиқди. Ўзимни эҳтиётлаб келадиганам, аммо бўлмади — касаллик менга ҳам юкди. Қош қорайганда бир амаллаб яқинроқдаги аптекаға етиб бордим.

Дориларни олиб, аптекачиға пластик карточкамни узатдим. У шўрлик роса уринди, қани энди терминал ишлади! Чамаси ўн дақиқа кутиб турдим. Охири нариги бетдан садо чиқди:

— Акажон, уэр, терминал ишламаяпти. Нима жин урди экан-а буни?! Боягина тўппа-тузук эди.

Бу гап бошимға худди гурзи билан ургандек таъсир қилди. Шаҳардаги айрим терминаллар одамларға қўшилиб ёппасига грипга чалинганми дейман?! Қаёққа қарасанг, "касал" терминаллар. Бири тўсатдан бузилиб қолади, бошқаси алоқанинг сифатсизлигидан жабр кўради, яна бири ҳуши келган вақтда ишлайди.

Хуллас, дорихонадан ҳам қуруқ қўл билан чиқдим...

"YOSHLAR OVOZI" taqvimini

1 MARTдан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Она табиат менга ихом беради!" фотосуратлар танловини эълон қилди. "Табиатни бирга асрайлик!" лойиҳаси доирасида ташкил этилган ижодий кўриқда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар иштирок этиши мумкин. Она табиатнинг мафтункорлиги акс этган ижодий ишлар 15 кун мобайнида Республика "Камалак" болалар ташкилоти томонидан қабул қилинади. Энг сара фотосуратлар 20 мартгача www.yi.uz сайтида овозга қўйилади. Уч нафар ғолибни замонавий планшетлар кутмоқда.



2 MART куни пойтахтимиздаги Бадий кўргазмалар залида "Баҳор вернисаж" номли кўргазма иш бошлайди. Фасллар келинчагининг фусункор тароватини рангтаъсир ифодаларида намоён этувчи экспозицияда мавзуга доир унлаб асарлар қамраб олинган. Лойиҳа Ўзбекистон Бадий академияси ташаббусига кура амалга оширилиб, 14 мартга қадар давом этади.

13 MARTда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Орган залида "Туркистон" камер оркестрининг концерти бўлиб ўтади. Мухлислар эътиборига А.Вивальди, А.Бащинни, Н.Паганини, Я.Сибелиус, Ф.Лист каби мэтрларнинг мусиқий шедеврлари ҳавола этилади. Концерт давомида республика ва халқаро танловлар лауреатлари: Камилла Изатуллаева, Илҳом Мухидинов ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ижросидан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Дирижёр — оркестрнинг баийи раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Эллар Азимов.



20-21 MART кунлари Наманган шаҳридаги Заҳридин Мухаммад Бобур номлидаги маданият ва истироҳат боғида "Сумалак сайли" туризм ва миллий қадриятлар фестивали ўтказилади. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этилувчи тантанادا тарихда илк бор 5 тонна сумалак тайёрлаш кўзда тутилган. Тансиқ баҳорий таомни пишириш учун 2 тонна буғдой, яна шунча миқдорда ун, 1 тонна ёғ, 450 килограмм зогора уни ҳамда 50 килограмм новвот ишлатилади.

Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.

BIR SHINGIL FALSAFA

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Қамолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуришд Уктамжонович
Навбатчи
Тўмарис Бутунбаева

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табақ.
Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳорси келишилган нарҳда
Буюртма: Г-336
Адаби — 27106
Босилган тиражнинг кўлими — 21.00
Топилган вақт — 22.30
Ўқув кўлими — 22.30